

Иш рақами 3-1601-2502/9573

Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья – О.Зиявитдинов

Апелляция инстанциясида
қўрган судья – Ш.Қурбонов

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING
Қ А Р О Р И

2025 йил июль ойининг 14 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ўз биносида видеоконференцалоқа воситаси орқали ўтказилган очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Ш.Қурбонов,

судья катта ёрдамчиси Ш.Сиддиқовнинг котиблигида, ҳуқуқбузар Ш.Охунов ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Дадабоевнинг иштирокида, Охунов Шукриддин Умар ўғлига оид маъмурий иш материалининг ҳуқуқбузар Ш.Охуновнинг апелляция шикоятига асосан кўриб чиқилиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и :

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2025 йил 11 июлдаги қарорига кўра,

Охунов Шукриддин Умар ўғли, 1991 йил 13 июлда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Давлатобод тумани, “Шишаки” МФЙ, Янгиобод кўчасида яшайдиганга,

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан 5 сутка маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинланган.

Суднинг қарорига кўра, Ш.Охунов 2025 йил 8 июль куни соат 00-30 ларда “Дамас” русумли 50 Z 172 СА давлат рақам белгили автомашинасида йўловчи сифатида кетаётган Н.Бойчабаеванинг сон қисми ва кўкрагидан ушлаб, шаҳвоний шилқимлик қилганликда айбланган.

Ҳуқуқбузар Ш.Охунов апелляция шикоятида, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланган Н.Бойчабаевадан кечирим сўрагани ва жабрланганнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраган.

Суд, иш бўйича ҳуқуқбузар Ш.Охунов ва унинг ҳимоячиси А.Дадабоев, жабрланган Н.Бойчабаеванинг суд қарорини ўзгартириб, шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, шикоятдаги важларни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорини ўзгартириб, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Апелляция инстанция судида ҳуқуқбузар Ш.Охунов, айбига иқроф ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланган Н.Бойчабаевадан

Ҳужжат имзоланган: Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович, 14.07.2025



кечирим сўрагани, ўзига тўғри хулоса чиқариб олгани сабабли енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 22-бандида, суд муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси ва турини белгилашда маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидаларига амал қилиши лозимлиги, унга биноан жазони қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниши тушунтирилган.

Биринчи инстанция суди Ш.Охуновнинг айби исботлангани ҳақида тўғри хулосага келиб, унинг қилмишини МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тайинлашда унинг содир этган ҳуқуқбузарлик ҳаракатига тўла иқдор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб, унинг қилмишида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, жабрланувчини қонунӣ чора кўриш ҳақидаги талабини инобатга олиб, унга модда санкцияси доирасида маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинлаш ҳақида асосли хулосага келган.

Бироқ, жабрланган Н.Бойчабаева апелляция инстанцияси судида, суриштирув ва суддаги кўрсатувларини тасдиқлаши, ўзи ошхонада ишлаши, 2025 йил 8 июль куни соат 00:30 ларда Ш.Охуновнинг автомашинасига йўловчи сифатида чиққани, йўлда “Сарбон” ошхонасидан ўтганидан сўнг Ш.Охунов унга шилқимлик қилишни бошлагани, шундан сўнг дарҳол автомашинани тўхтаттириб, автомашинадан тушгани ва ИИБнинг “102” қисқа рақамига мурожаат қилгани, биринчи инстанция судида ҳуқуқбузарга нисбатан даъвоси бўлгани, ҳозирда Ш.Охуновнинг ўзи ва онаси ундан кечирим сўрагани, Ш.Охуновнинг онаси учун уни кечиргани, ҳозирда унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олиб, енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 324⁸-моддаси 1-қисми 3-бандида, апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг қарори устидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижаларига кўра, биринчи инстанция суди қарорини ўзгартириб, янги қарор чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги;

5-бандида, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қарорини жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатида назарда тутилган доирада ўзгартиришга ҳақлилиги кўрсатилган.

Қайд этилган асосларга кўра апелляция инстанцияси суди, ҳозирда жабрланган Н.Бойчабаеванинг ҳуқуқбузар Ш.Охуновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унинг айбига тўлиқ иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини, маъмурий жавобгарликка тортилмагани ва 3 нафар вояга етмаган фарзандлари



борлигини инобатга олиб, унга нисбатан МЖтКнинг 41¹-моддаси билан тайинланган маъмурий қамоқ жазосини камайтириб, унинг апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Бинобарин, судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 324², 324⁸, 324⁹, 324¹⁰-моддаларига амал қилиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2025 йил 11 июлдаги Охунов Шукриддин Умар ўғлига нисбатан чиқарган қарори ўзгартирилсин.

Ҳуқуқбузар Ш.Охуновга Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан 3 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Ҳуқуқбузар Ш.Охунов маъмурий қамоқ жазосини 2025 йил 11 июль куни соат 16:00 дан ўтаб келаётгани инобатга олиниб, маъмурий қамоқ жазоси ўталган деб ҳисоблансин.

Ш.Охунов Наманган вилоят ИИБ ЖХХ ва ЖТСБ Махсус қабулхонасида қамоқдан озод этилсин.

Суд қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:
“Қарор нусхаси аслига тўғри”
Вилоят суди судьяси

ИМЗО

Ш.Қурбонов

Ш.Қурбонов

